

Табиий кучларга сиғиниш

00:12 / 03.12.2016 4599

Табиат ўз ажойиботлари, гўзаллиги, сир-асрори ва кишиларга етказётган фойдалари билан ҳар бир кишида диндорлик туйғусини уйғотади. Табиат ўзининг шафқатсизлиги билан, ғайритабиий кучи билан инсонни ундан паноҳ излашга, нажот ахтаришга мажбур ҳам қилади. Машҳур олимлардан бири шундай дейди: «Табиат кучлари қадимги инсонларнинг эътиборини ўзига тортган ва даҳшатга солган биринчи нарса бўлган. Шунинг учун ҳам инсонда диндорлик туйғуси пайдо бўлиб, табиат кучларига сиғина бошлаган. Табиат кучлари қадимги кўпгина халқларнинг назарида илоҳий бўлиб, унга сиғиниш ва бўйсунуш зарур деб тушунганлар. Баъзи бир халқлар эса табиат кучларининг бирини худо деб тушунган. Осмоннинг алоҳида худоси бор, шунингдек ернинг, денгизнинг, ҳавонинг ва ҳоказо. . .
«

Қуръон табиат кучларига сиғинишни саёз фикрлаш деб, фақат ягона Аллоҳнинг ўзига ибодат қилишга чақиради. Чунки Аллоҳ ўша табиат ва унинг кучларини ҳам яратган зотдир. Қуръони Каримнинг «Соффат» сурасида шундай дейилади: **«У зот осмонлару ернинг ва иккиси орасидаги нарсаларнинг Роббидир. Ва машриқларнинг Роббидир»** (5-оят).

Аллоҳ - ягона илоҳи - мабуъдингиз бўлган зот: «...осмонлару ернинг ва иккиси орасидаги нарсаларнинг Роббидир».

Яратувчиси ва тадбирини қилувчисидир. Осмонларга қаранг! Қанчалик бепоён! Қанчалик юксак! Қанчалик мустаҳкам! Қанчалик муҳташам! Қанчалик бенуқсон! Ана шуларнинг ҳаммасини Аллоҳ яратган, Аллоҳ тадбирини қилиб туради. Уларнинг Робби Аллоҳдир.

Ерга назар солинг! Унинг ажойиботларига боқинг! Уни ҳам Аллоҳ яратган, Аллоҳ тадбирини қилиб туради. Унинг ҳам Робби Аллоҳдир.

Осмонлару ернинг орасидаги сонсиз-саноқсиз нарсаларга қаранг! Ҳаммасини Аллоҳ яратган. Ҳаммасининг тадбирини Аллоҳ қилиб туради. Ҳаммасининг Робби Аллоҳдир. Шунингдек, Аллоҳ;

«Ва машриқларнинг Роббидир».

Қуёш ҳар куни чиқадиган жойларни-машриқларни яратган зот ҳам Аллоҳдир. Уларнинг тадбирини қилиб турувчи зот ҳам Аллоҳдир. Уларнинг Робби ҳам Аллоҳдир.

Аллоҳ машриқларнинг Робби бўлганидан кейин мағрибларнинг ҳам Робби бўлиши турган гапдир. Шундай Зотга ибодат қилмай, У яратган нарсаларга ибодат қиласизми?

Бошқа бир оятда эса: **«Албатта, осмонлару ерни олти кунда яратган, сўнгра Аршни эгаллаган Роббингиз кеча ила кундузни қоплайдир. Уни шошилиб қувлайдир. Қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган қилиб яратди»** («Аъроф» сураси, 54-оят).